

“Андижон минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси билан “VODDIY ARSLONI” МСНЖ ўртасида ички йўлларни жорий таъмирлаш ишлари бўйича тузилган

ШАРТНОМА № П-2022-263

Андижон шаҳри.

22 ноябрь 2022 йил.

Кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб юритиладиган “Андижон минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор Т.Мирзаев бир томондан, матнда кейинги ўринларда “**Пудратчи**” деб юритиладиган “VODDIY ARSLONI” МСНЖ Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари А.Тўраев иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “**Пудратчи**” ушбу шартнома шартларига мувофик **Асака туман Кужган МФЙ Файзобод кўчасини** жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. “**Буюртмачи**” эса “**Пудратчи**”га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **127 292 500** (Бир юз йигирма етти миллион икки юз тўқсон иккимингбеш юз сўм) ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдикланиб молиялаштирилган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Ҳазначилик тизимидан (Узасбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “**Буюртмачи**”нинг махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида “**Буюртмачи**” томонидан бажариладиган ишлар қийматининг 30% пул маблағлари аванс тарикасида “**Пудратчи**”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан “**Буюртмачи**”нинг махсус ҳисоб рақамига туширилганидан сўнг, “**Пудратчи**” томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида мазкур шартномага илова қилинган тўлов жадвалига асосан ўтказиб беради.

2.4. “**Пудратчи**” томонидан иш тўлик бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 30 октябрь кунига қадар “**Буюртмачи**”га топширилиши шарт ҳисобланади. Кўрсатилган муддатда “**Пудратчи**” томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан “**Буюртмачи**” томонидан молиялаштирилиш масаласи қайта кўриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар “**Буюртмачи**” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“**Пудратчи**”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномага илова қилинган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва иловада кўрсатилган жадвал асосида белгиланган ойларда ишларни кўрсатилган муддатларда бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофик, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда “**Буюртмачи**”га мазкур шартнома шартларига мувофик топширади.

Объектнинг ижро ҳужжатларини тўлик расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиклик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини ва ҳисоб варақ фактуралар (юк хати)дан нусха тақдим этади.

3.3. “**Пудратчи**” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз қучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар, томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “**Буюртмачи**” олдида тўлик мулкӣ жавоб беради. “**Пудратчи**” “**Буюртмачи**” олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. “**Буюртмачи**” “**Пудратчи**” билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. “**Пудратчи**” геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлик ўқларининг мувофиклиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради:

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, “**Пудратчи**” тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар **“Буюртмачи”**нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”**нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитилладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача **“Пудратчи”** қурилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади. **“Пудратчи”** дафтар (журнал)да **“Буюртмачи”** томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига **“Пудратчи”** тўлиқ жавобгар бўлади.

“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:

3.8. Бажариб берилладиган иш учун олинладиган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

3.9. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари **“Пудратчи”** томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида **“Буюртмачи”**ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.10. **“Пудратчи”** зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.11. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларида бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.12. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.13. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.4-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.5-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинади.

“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

3.14. **“Пудратчи”**дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.15. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.16. **“Пудратчи”**дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.17. **“Пудратчи”** томонидан ишлатилладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.18. Техник қузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.19. Агар **“Пудратчи”** шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни **“Буюртмачи”**га топширмаган тақдирда, **“Буюртмачи”** мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. **“Пудратчи”** объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун **“Буюртмачи”**га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5%и микдориди пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар **“Пудратчи”** томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаси. **“Буюртмачи”** тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20 % и микдориди жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун **“Буюртмачи”** томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % микдориди пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % микдоридан ортимаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 “Пудратчи” нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, “пудратчи” да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда “Бююртмачи” ва “Пудратчи” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1 Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик тизимидан (Ўзасбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга қиради.

7.2.Томонларнинг келишувига кўра ишларнинг топшириш муддати аванс олинган кундан бошлаб 30 кунни ташкил этади.

7.3.Ишларини бажариш бўйича маблағ “Автомобиль йўллари ривожлантириш Андижон ҳудудий мақсадли жамғармаси” томонидан “Бююртмачи”нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрга қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.4. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумлада амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бири-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимларига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини қафолатлайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БЮЮРТМАЧИ”

Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси
Андижон ш. А.Йулдошев кучаси 30-уй.
Тел/факс: 227-66-36 226-88-90
ш/х:304521860032247045129118018
СТИР:304917491
ОКОНХ: 42110
Ўз. Р.Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Ғазна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи: МБББ ХККМ
МФО: 00014
Ғазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919

Директор  Т.Мирзаев

Бош юриконсулт:

 З.Джаборқулов

“ПУДРАТЧИ”

“VODDIY ARSLONI” МСНҒ

Асака туман Навқан МФЙ навқан кўчаси 159 уй

Ҳамкор банк Асака филиали

х/р: 2020 8000 6049 3953 1001

МФО: 00083

ИНН:302 115 954

Директор:  А.Тўраев

